

ШОЛИДАН ГУРУНЧ ОЛИШ ҚУРИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сайфуллаева Назокатхон

Наманган мухандислик-технология институти

Талаба

Гулойим Жамолиддинова

НамДУ талабаси

Саодат Абдуқахарова

Аннотация: Қия ариқдан оқаятган сув, юқори тезлик билан паррак лапаткаларига урилиб парракни айлантиради. Парракни кам қаршилиқ билан равон айланишини подшипниклар таъминлайди. Айланма ҳаракат муфта орқали редукторга уланган, редуктордан ҳаракат муфта орқали тўқмоқчали барабанга ўтади. Барабан юзасида тўқмоқчалар шахмат шаклида жойлашган бўлади. Барабан айланиши натижасида тўқмоқчалар навбати билан соннинг тутғичига бориб урилиб тутғич ва сонни вертикал текисликда даврий ҳаракатга келтиради. Сон келидаги шолени туйиши натижасида гурунч олинади.

Калит сўзлар: сувнинг тезлиги, паррак, сув, айланма ҳаракат, муфта, редуктор, ҳаракат, барабан, гуруч.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида эътироф этилган сўнг халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ислохатлар амалга оширила бошлади.

Республикаимиз дон маҳсулотлари тизимида ҳам сўнгги йилларда катта ютуқларга эришилди. Жумладан республикаимизда қисқа вақт ичида дон мустақиллигига эришилди.

Зеро, етиштирилган мажбуд ҳосилни сифатли сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек истеъмолчиларга мунтазам равишда бекаму кўст етказиб бериш дон маҳсулотлари тизими олдидаги энг асосий вазифадир.

Шу боис республикаимизнинг кўпгина вилоят ва туманларида кўплаб замонавий омборлар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқда.

Ер юзидаги купчилик мамлакатларда шולי энг асосий ва кадимги озик-овкат экини хисобланади. Гуруч одам организми учун юқори сифатлиги ва тез хазм булиши билан ажралиб туради. Унинг таркибида организм учун керак булган озик моддалар: оксил, фосфорли бирикмалар ва витаминлар бор гуруч таркибида 7,7% оксил бор. У бошка ёрмаларга нисбатан тез хазм булади ва тулик узлашади. Шолени оклашда оксил ва майда гуруч олинади. Улардан спирт, пиво тайёрланади ва крахмал олинади.

Шоли кепаги корамоллар, айникса чучкалар учун туйимли озука хисобланади. Унинг таркибида 10-13% гача оксил ва 14% гача мой булади. Ундан техникавий мой фосфорли органик моддалар олинади. Шоли окланганда 60-65 % гуруч, 10-15 % кепак ва гуруч муртаги, 20-25% килтик ва бошкалар чиқади.


Шолини похоли озуклик киммати жихатидан бугдой похolidан колишмайди. Унинг похolidан сифатли когоз (папирос когози) картон, аркон ва коп канор тайёрланади.

Шоли ернинг мелиорация холатини яхшиловчи усимликдир. Шолипояларга узок вакт сув бостириб куйиш туфайли шур ерларни шури ювилади. Натижада бундай ерларга гуза ва бошка экинлар экиш имкони тугилади,

Бу қимматбахо ёрма экини дунёда бугдой экинидан кейинги иккинчи экин майдони бўйича ва хосили бўйича бугдойдан юқори ўринда туради. Шоли гуручи-тўйимлилиги билан, тез хазм бўлиши билан ажралиб туради., таркибида 7,18 % оқсил, 0,26% ёғ ва 79,36% углеводлар ва хар хил витаминлар бор. Гуруч қайнатмаси даволаш мақсадида кўп ишлатилади табобатда. Гуруч билан пархез юқори қон босимида фойдаланилади. Гуручнинг крахмали тўқимачилик саноатида, парфюмер, медицина соҳасида кўп ишлатилади. Шоли сомони ем-хашак сифатида чорвачиликда ишлатилади, 1 кг сомонда 22 г хом оқсил ва 0,24 озиқа бирлиги. Бундан ташқари шоли сомони кийим кечак саноатида, оёқ кийим , ип, қоп, қоғоз ва компас тайёрлашда ишлатилади. Шоли сомонида 1% протеин, 0,55 мой, 30% углевод бор. Шоли сомони ўғит сифатида ҳам ишлатилади, чунки 1 т сомонда 8 кг азот, 1 кг фосфор ва 12 кг калий мавжуд.

Шоли гуручи Осиё мамлакатларида кўп ишлатилади, аҳолининг хар бирига Японияда 104 кг, Хитойда-120, Покистонда-98, Хиндистонда-66, АКШ-2,5, Англияда-1,1кг.дан тўғри келар экан. Бир килограмм гуруч таркибида 4000 калория бўлар экан. Шолини оқлаганда ўртача 48% гуруч ,16% майдаланган дон, 13% қолдиқлари, 3% ун ва 20% кипик чиқади. Шолини оқлаб гуруч олганда дон ишққланади натижада гуручнинг сифати ўзгаради. Ишққланиш натижасида оқсил камаяди 8,44 дан 7,75% гача, мой 1,82 дан 0,53% гача, кул 1,29 дан 0,64 %гача, тўқима 0,35 дан 0,18 % гача.(Козьмина Н.П.,1976).

Шолидан гуруч олиш қурилмаси



Қурилма қуйидаги қисмлардан иборат:

1-қия арик, 2-паррак лапаткаси, 3-паррак ўқи, 4-подшипник, 5-паррак тутғичи, 6-муфта, 7-редуктор, 8-валлар, 9-тўқмоқчали барабан 10-тўқмоқчалар, 11-сопнинг тутғичи, 12-соп, 13-келилар

Қурилма қуйидагича ишлайди. Қия ариқдан (1) оқаётган сув юқори тезлик билан паррак лапаткаларига (2) урилиб паррак ўқини (3) айлантиради. Парракни кам қаршилиқ билан равон айланишини подшипниклар (4) таъминлайди. Айланма ҳаракат муфта (6) орқали редукторга (7) уланган, редуктордан ҳаракат муфта орқали тўқмоқчали барабанга (9) ўтади. Барабан юзасида тўқмоқчалар (10) шахмат шаклида жойлашган бўлади. Барабан айланиши натижасида тўқмоқчалар навбати билан сопнинг тутғичига бориб урилиб тутғич ва сопни вертикал текисликда даврий ҳаракатга келтиради. Соп (13) келидаги шолени туйиш натижасида гурунч олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1."Рис"- в кн. Культурная флора СССР-Л. Колос, 1975, ч.3, с.238-345
- 2.Д.Зауров, М.Сборщикова-"Рисоводство", Т.Мехнат, 1989,268с.